



21«11»2022 yil.

648-13-194-MT/2022-son

PUDRAT SHARTNOMASI №6

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Элликкаль тумани МТБ номидан Низоми асосида иш кўрувчи Ж.Балтаев бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Исламбай Рейимов МЧЖ номидан устав асосида иш кўрувчи И.Рейимов иккинчи томондан, МТБга карашли 11 мактабгача таълим ташкилотини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва обектни фойдаланишга тайёрхолда куришга доир пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада кўйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро хужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофилик тўғрисида ёзувлар билан биргаликда обьект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитилган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

курилиш майдони- мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчига» берилган ер участкаси.

Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вактингчалик иншоотлар -пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вактингчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар -сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейингчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш -ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлар қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II- ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига МТБга карашли 11 сактабгача таълим ташкилотини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш ва лойиҳада кўзда тутилган обектни фойдаланишга тайёр ҳолда куриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III- ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган танлов савдоси (танлов) натижасида аниқланган танлов комиссиясининг қарори (2022 йил «09» ноябрдаги лот 174178-сонли байённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмалар, ККС 15% 41928404(Кирк бир миллион тўккиз юз

йигиома саккиз минг турт юз түрт) сүм 00 тийинни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 321 451 094(Уч юз
йигирма бир миллион түрт юз эллик бир минг түкөн түрт) сүмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта күриб чиқилиши мумкин эмас, қуидаги
холларда бундан мустасно:

Курилиш қийматини күпайтиришга енгіб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

Объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда;

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни
аниқлаштириш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги
шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV- ПУДРАТЧИ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II- бўлимида назарда тутилган ишларни
бажариш учун:

Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда
тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни
буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Иловага мувофиқкурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-
ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга
жойлаш ва сақлаш;

Курилиш майдони худудида вактинчалик ишоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши,
шартнома мавзуси, субпудратчининг номида манзили түгрисида хабардор қилиш;
Курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, утказилган дараҳтларни
ва ер участкасини муҳофза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш
чироклари ўрнатиш;

Курилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланиншга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома
имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва
асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар,
конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

Курилиш майдонини қўрикланишини таъминлаш;

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқҳажмда бажариш мажбуриятини ўз
зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан
зарур тарзда бажарилиши ўз кучлари ҳамда объектнинг фойдаланиншга тайёр ҳолда топширилиши учун
Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага, иловага мувофиқ ишларни
бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган
даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган
Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш,
Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва карор қабул қилиш;

Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий
молиялаштиришни амалга ошириш;

Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур
бўлган ижро хужжатларини рўйхатини тақдим этиш;

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро хисоб-китоб қилинганда шартнома конун хужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради;

11.Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12.Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган қурилишнинг давом этиши вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 90 кунни ташкил этади.

13.Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР

14.Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% миқдорида аванс ўтказади,бу 96 435 328.20 (Тўксон олти миллион тўрт юз ўттиз беш минг уч юз йигирма саккиз) сўм 20 тийинни ташкил этади, қолган 70% яъни 225 015 765.80 (Икки юз ёигирма беш миллион ўт беш минг етти юз олтмиш беш) сўм 80 тийин маблағ эса объектни молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвалига асосан олиб борилади.

VIII. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МОЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

16.Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажарилмаслик учун жавобгарликтан озод этиладилар.

17.Агар енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вактга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини мухокама қиласидилар.

18.Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб қилишга ҳаклидир.

IX. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИВ ОЛИШ

19.Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасигача амалда бўлган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин шунингдек,курилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

20.Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

21.Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофик Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган тартибда икки нусхада ижро хужжатларини беради.Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

22.Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

X.КАФОЛАТЛАР

23. Пудратчи:
барча ишлар тўликхажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа хужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини; ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларини кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини, ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишини; объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

XI.ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

24.Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи миқдорида пея тўлайди, бироқ бунда пеянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматиниг 50% дан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг

0,5% микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 %дан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

25.Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитекткурилишназорат» инспекциясининг холосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматиниг 0,5 % микдорида жарима ундириш хукукига эга.

26.Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан килинган харажатларда, молмulkning йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

27.Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларидан озод қилмайди.

28.Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вактида тўламаганлик учун сотиб оловчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

29.Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чикилади.

XIII. КОРРУПЦИИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ.

30.Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлик муносабатлар юзасидан куйидагиларни кафолатлайди: қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини; шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл кўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга вайда килинмаганлигини; моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

31.Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

32.Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласидаги шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари хақида хабар берилганлиги учун уларга тазиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди.

33.Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупсияга қарши кўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда заарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳакли бўлади

XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР.

34.Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

35.Ушбу шартнома туман “Ғазначилик” бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб, 2022 йил 31 декабргача ўз кучида қолади.


36.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қўлланилади.

37.Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар томонларнинг ёзма келишуви асосида талабларнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган хужжат асосида бўлади.

38.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган (3 нусхада) тузилди.

XV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ :

«БУЮРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
Элликқалъа туман МТБ	ISLAMBAY REIMOV МЧЖ

Манзил: Бустон ш Тел./факс 585 14 -72	Манзили: Элликкальъа тумани
ш/х*100 022 860 352 507 091 100 251 047	Тел факс 97-059-95-00
бюджетдан маблаг олувчи	х/р: 2020 8000 5050 5500 4001
СТИРи 207 267 646 ОКОНХ 92310	Банк номи: Халк банк Элликкальъа ф.
Газначилик бўлинмаси номи	ИНН: 306 325 129 МФО: 00646
Элликкальъа Газначилик бўлинмаси	ОКОНХ:
Газна х/в 23 402 000 300 100 001 010	
Банкнинг номи МБТШББ МФО 00014	
газначилик бўлгани СТИРи 201 122 919	
Рахбари  Ж.Балтаев	Рахбари  И. Райимов

 Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.								
<table border="1" style="width: 100%; border-collapse: collapse;"> <tr> <td style="padding: 5px;">Imzolovchi F.I.SH.</td> <td style="padding: 5px;">DJAVLONBEK BALTAYEV KABULJANOVICH</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Imzolangan sana</td> <td style="padding: 5px;">25.11.2022 13:30</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Hujjat kodi</td> <td style="padding: 5px;">WI0486528750</td> </tr> <tr> <td style="padding: 5px;">Hulosa kodi</td> <td style="padding: 5px;">GN1704060165</td> </tr> </table>	Imzolovchi F.I.SH.	DJAVLONBEK BALTAYEV KABULJANOVICH	Imzolangan sana	25.11.2022 13:30	Hujjat kodi	WI0486528750	Hulosa kodi	GN1704060165
Imzolovchi F.I.SH.	DJAVLONBEK BALTAYEV KABULJANOVICH							
Imzolangan sana	25.11.2022 13:30							
Hujjat kodi	WI0486528750							
Hulosa kodi	GN1704060165							

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

GN1704060165

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Tamirlash 2 /2022**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Ellikqal'a tumani
Maktabgacha ta'lif bo'limi tomonidan 25.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish
maqsadga muvofiq.

**Ellikqal'a tumani
yuridik xizmat
ko'rsatish markazi
bosh yuristkonsulti:**



F.A.Jumaniyazov

25.11.2022



Товар-материал захираларни хамда ишларни (хизматларни) сотиб олиш бўйича
энг яҳши таклифларни танлаб олиш бўйича ўтказилган танлаш комиссиясиning
1-сонли мажлис баённомаси

2022-йил « 14 » ноябр

соат _16 :_30_

Бўстон шахри

Комиссия раиси

Туркменбаев Эркинбай Курмбаевич
(Ф.И.Ш.)

Мактабгача тъслими бўлими хужалик мудири

лавозими

Комиссия аъзолари

Моминов Хурсанд Аминбаевич

Мактабгача тъслими бўлими эксплуатация бўлими бошлиғи

лавозими

Сабиров Уккам Абдуллаевич

Мактабгача тъслими бўлими бош хисобчиси

лавозими

Султанов Аллояр Зарипбаевич

Мактабгача тъслими бўлими мухандиси

лавозими

Хакимбаев Мансуржон Ахмедович

Мактабгача тъслими бўлими шартнома бўлим хисобчиси

лавозими

Нурмаҳашев Бекзод Сакен Ҳули

Мактабгача тъслими бўлими кадрлар бўйича мутахассис

лавозими

КУНТАРТИБИ:

танлаш комиссияси котиби танлаш комиссиясига кўйидаги маълумотларни берди:
Ушбу энг яҳши таклифни танлаб олиш мактабгача тъслими бўлимининг бюджет маблағлар хисобидан 11-сон мактабгача тълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Ўзбекстан Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли «Давлат харидлари тўғрисида»ги низомнинг (текстда кейинги ўринларда - Низом) 58-моддасига мувоғик энг яҳши таклифни танлаб олиш ўтказилиши хакидаги порталида (<http://dxarid.uzex.uz/>) ёълон танлаш қатнашувчиларининг

қабул килиш муддати якунига 5 (беш) иш куни олдин давлат буюртмачиси томонидан шахсий кабинет оркали 2022 йил 9 ноябр куни 174178-сонли лот жойлаштирилди.
Шундан, энг яҳши таклифларни олиш ўтказилишидаги ёълон (<http://xarid.uzex.uz/>) сайтинда жойлаштирилди.

Танлаб олиш бошланғич суммаси: **321 951 094,00** сўм
Шу муддатларда ўзининг тижкорат таклифларини кўйидаги қатнашувчиларни топшириди:

Таклифларни баҳолаш

(сумда)

№	Товар (иш, хизмат) номи	танлашнинг бошланғич суммаси:	Қатнашувчиларнинг тижкорат таклиф суммаси		
			"BO'STON REIMO OOO ISLAMBAY UNIVERSALSTROY" MCHJ		
1.	Муассасаса биносини жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш	321 951 094,00	321 451 094,00	321 750 000,00	
ЖАМИ:			321 451 094,00	321 750 000,00	

Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари хақида"ги Низоми талабларига хамда юқорида кўрсатилган маълумотларни хисобга олиб танлаш комиссияси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Исламбой Реймов МЧЖ 11-сон мактабгача тълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича ўтказилган танлашда (ҚҚС билан бирга) танлаш ғолиб деб топилсин.
- Ғолиб танлаш шартлари асосида шартнома тузишдан бош тортган тақдирда шартнома тузиш ҳуқуқи кейинги қатнашувчига (резерв) ўтиб, кейинги корхонаси белгилансин. Бунда ғолиб қатнашувчи таклиф килган суммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб қўйилсин.
- Низом талабларига мувоғик танлаш қатнашувчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш хам баҳолаш муддати таклифлар бериш куни тугашидан 10 (ун) иш кунидан ошиб кетиши мумкин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.
- Мактабгача тъслими бўлимининг бош хисобчиси Сабиров Уккам Абдуллаевич танлаш якуни бўйича расмийлаштирилган баённомани давлат харидлари порталига муҳоскама учун 2 (икки) иш кунига жойлаштириш топширилсин.
- Танлаш комиссияси котиби ушбу танлашга тегишли барча хуқоқатларни белгиланган тартибда саклаш таъминлансин.
Мактабгача тъслими бўлими бош хисобчиси Сабиров Уккам Абдуллаевич ушбу 2 (икки) иш куни ичидаги 11-сон мактабгача тълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш ишлари учун қатнашувчилари томонидан ўтказилган танлаш натижалари бўйича бошка пурратчи ташкилотлардан эътиrozлар келиб тушмади, ғолиб ташкилот Исламбой Реймов МЧЖ деб топилди ва шу корхона билан шартнома тузилин.

Комиссия раиси

Туркменбаев Эркинбай Курмбаевич

(Ф.И.Ш.)

Комиссия аъзолари

Моминов Хурсанд Аминбаевич

(Ф.И.Ш.)

Сабиров Уккам Абдуллаевич

(Ф.И.Ш.)

Султанов Аллояр Зарипбаевич

(Ф.И.Ш.)

Хакимбаев Мансуржон Ахмедович

(Ф.И.Ш.)

Нурмаҳашев Бекзод Сакен Ҳули

(Ф.И.Ш.)